



ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ МУТАХАССИСЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МОДУЛИ ЁНДАШУВ.

Дехқонбоева Санталат Турсунбаевна

Жиззах давлат педагогика

Университети.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7281348>

ARTICLE INFO

Received: 25th October 2022
Accepted: 02nd November 2022
Online: 04th November 2022

KEY WORDS

Илмий-методик билим,
компетент, учинчи
Ренессанс, мазмун,
изланувчанлик, методик
асослар, узлуксиз таълим
тизими.

Республикаимизнинг президенти Ш.М.Мирзиёев ўз нутқларида узлуксиз таълим тизими жараёнида рақобатбардош кадрларни тайёрлашда энг аввало олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари салоҳиятини жаҳон стандартлари талаби даражасига кўтариш энг муҳим масала эканлигини бир неча бор таъкидлаб ўтганлиги бежиз эмас. Бинобарин, олий таълим жараёнига компетентциявий ёндашувнинг, мустақил фикрлашга ўргатишнинг педагогик-психологик омиллари кўп ва ранг-баранг. Улардан айримлари устида алоҳида тўхталамиз:

1. Талаба ҳар бир машғулотда дарсликда берилган билимларни такрорлаш билан кифояланмаслиги, балки ўқитувчи кўмагида янги билимлар ҳосил қилиши лозим.

2. Талаба дарсда пассив тингловчи, такрорловчи, бажарувчи эмас, балки

ABSTRACT

Мамлакатимизда таълим ислохотлари жадаллашиб бораётган бир вақтда замонавий илмий ва дунёвий билимларга эга бўлган, дунё миқёсида рақобатбардош кадрларни шакллантириш, уларга мавжуд илмий билимларнинг асосларини етказишда компетентциявий ёндашувларни татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Мақола ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш ҳақида.

изловчи, қиёсловчи, кашфиётчи бўлиши керак. Бунинг учун талаба ўз сўзи, фикри, хулосасига эга бўлмоғи шарт. Бундай таълим усули ўқитувчида касбий компетентлилик, мустақиллик, ўз “мен”ини англаш, ижодий фикрлаш, бунёдкорлик руҳини тарбиялашга хизмат қилади. Бунда ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги алоқа-муносабатда (фикр алмашиш) ўқувчи дарсда устувор мавқега эга бўлади.

3. Демак, олий таълим машғулотларида таълимга компетентциявий ёндашувнинг дарс самарадорлигини оширишнинг, талабада ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг муҳим шарти сифатида қаралиши лозим.

Таълимнинг мазмуни замонавий талаб бўйича беш муҳим таркибий қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир қисмда эгалланадиган билим, нутқий-амалий



компетентциялар қамрови белгилаб берилди.

1. талаба эгаллаши зарур бўлган назарий билимлар тизими аниқланади.
2. Танланган назарий билимга мувофиқ бўлган амалий компетентция ва малакалар тизими. Бунда **билим** – ўрганилган маълумотларни эслаб қолиш ва қайта тушунтириб бериш; **кўникма** – ўрганилган билимларни таниш вазиятларда қўллаш олиш; **малака**– ўрганилган билим ва шаклланган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллаш олиш ва янги билимлар ҳосил қилиш; **компетентция** – мавжуд нутқий билим, кўникма ва малакалар интеграциясидан ижтимоий фаолиятда унумли фойдалана билиш қобилияти.
3. Талабаларни ижодий фаолият усулларига ўргатиш тизими қайта хотирлаш, қисман изланувчанлик, илмий-ижодий шаклда бўлиши мумкин. *Қайта хотирлаш* – ўқитувчи томонидан кўрсатилган ёки дарсликда берилган намунага қараб ишлаш, машқ бажариш фаолияти. Бу усулда талабанинг фаоллик даражаси чегараланиб, изланишга, кашф қилишга эҳтиёж сезмайди. *Қисман изланувчанлик* фаолиятида талаба йўналтирувчи топшириқлар ёрдамида тил ҳодисаларининг ўхшаш ва фарқли томонлари устида ўйлаши, топиши, аввал эгалланган билимларни қисман маълум шароитларда қўллаши мумкин. *Илмий-ижодий* фаолиятда талаба олган билимларини янги шароитда қўллаш олиши, ҳеч қандай ташқи ёрдамсиз зарур билим манбасини топиб, улардан тўғри фойдаланиш компетентцияларини эгаллаши талаб қилинади. Талабанинг ижодий изланиш

қанчалик кўп бўлса таълимнинг самарадорлик даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади.

Юқоридаги амалий ва илмий таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, **бўлажак мутахассиснинг касбий компетентлиги деб** – технологик таълим технологияси ва жиҳозлари соҳаси билан боғлиқ ҳар қандай вазифаларни бажара оладиган, соҳага оид турли хил муаммоларни бартараф этадиган ва юзага келган технологик муаммоларга зудлик билан ечим топа оладиган уддабурон малакали манан етук баркамол инсон тушунилади. Малакани асосий меъзони бўлажак мутахассис олган назарий билимларидан ташқари кўпроқ амалий жиҳатдан ҳам тажриба тўплашига тўғри келади. Лекин амалий жараёни кўп бўлиши ҳам мутахассисни кучли қилади дегани эмас. Бўлажак мутахассис амалий тажрибаси мустаҳкам бўлиши учун, олган назарий билимини ўз вақтида амалиётда қўллаш керак. Шундагина бўлажак мутахассис бугунги кун талабига жавоб берадиган, етук кадр бўлиб етишади.

Ҳаммамизга сир эмаски, ҳанузгача давлатимиз ишлаб чиқариш корхоналарига ривожланган давлатларнинг технологиялари келтирилмоқда ва айрим технологияларни амалиётда қўллашда қийинчиликларга дуч келиниб, мазкур Олий таълим муассасаларида чет эл мутахассислари жалб этилмоқда.

Хозирги замонавий таълим жараёнида Олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашда илғор фикр, техник билимлар билан бир қаторда юқори компетентлик, иқтисодий, технологик ва маънавий



тафаккурнинг интеграциялашган ҳолда улар онгига сингдирган ҳолда Олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни касбий компетентцияларини нафақат шакллантириш балки модулли ёндашув асосида босқичма - босқич ривожлантириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Бу борада унга кўп йиллик касбий тажриба, меҳнат, ижодий изланишлар натижасидагина эришиш мумкин. Мазкур жараён мамлакатимиз олий ўқув юртларидаги таълим жараёнида яратилади. Жумладан, Олий таълим муассасаларида бўлажак кадрларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш жараёнида мутахассисликка оид билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириб бориши билан бир қаторда педагогик-психологик фанлар бўйича назарий ва амалий билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бизга маълумки, олий таълим муассасаларининг технологик таълим йўналишида талабаларига технология фанида технологик таълим соҳасида кейинги йилларда давр талабига кўра яратилаётган ўзгаришлар, янги техника ва технологиялар, амалиётга жорий этилаётганлиги бўйича маълумотлар берилмоқда. Кўпроқ ва сифатли тола ишлаб чиқариш билан бир қаторда, маҳсулот таннархини камайтириш тадбирлари турли хил шаклларда талабалар учун амалга оширилмоқда.

Мазкур фан мазмунида хорижий мамлакатлардаги пахта хом-ашёсини дастлабки ишлаш технологияси, ҳозирги кунларда фойдаланиладиган замонавий машиналар, қурилмалар

тўғрисида тўлиқ маълумотлар билан тўлдирилган.

Технологик таълим йўналиши ОТМ да талабаларга модулли ёндашув асосида таълимни ташкил этишда ўқув мақсадлари, таълим мазмуни ҳамда ўқув-билув фаолиятини бошқаришни баъзи дидактик категориялар нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Модулли таълимда ўқув мақсадлари кўп босқичли бўлади. Талабаларга “Технология” фанини модулли ўқитиш бошланишида модулни ўқув мазмуни сиқик (ихчам) тасвирланган блок-схема кўринишида беришни тавсия этилади. Модул якунида эса бутун модулдаги маълумотларни қулай ва ихчам кўринишда ифодаловчи қисқача компакт-схема билан якунлаш афзаллиги таъкидланади. Талабаларга “Технология” фанини ўқитишда модулни ўзлаштиришнинг самарадорлиги фақат ундаги ўқув материални тасвирлаш усулига эмас, фан ўқитувчиси томонидан топшириқлар тўпламининг қанчалик малака билан ишлаб чиқилиши ва тузилишига боғлиқ. Топшириқ ўқув предмети мазмунининг асосий структура билан боғлиқ ҳисобланади. “Технология” фанини модулли ўқитишнинг дидактик тизими бошқа дидактик тизимлар сингари ўқитиш мақсадларига мувофиқ, умумдидактик тамойиллар ва мезонлар асосида техника таълими мазмунини лойиҳалашни тақозо этади. Техника таълимида модулли дастурларни лойиҳалашнинг бир қанча усуллари мавжуд. Уқув модулларининг мазмуни техника таълими мазмунини структуралаш тамойиллари асосида шакллантирилади ва дидактик



материаллар, муаммоли ҳамда амалий топшириқлар билан таъминланиб, лўнда, кўргазмали қилиб ифода этилиши керак. Техника таълими жараёнига модулли технология асосида ёндашиш уни аниқ режалаштириш, таълим натижасини олдиндан қайд қилиш имкониятини беради, келажакда мустақил ва масофали таълимда истиқболли ўқитиш усули сифатида кўлланилиши мумкинлигини кўрсатади.

Замонавий таълимда бугунги кунда дунё ҳамжамияти ҳаёт фаолиятининг барча сохаларида ўзгаришлар бўлиб ўтмоқда, бу эса ўз навбатида бўлажак профессионални шакллантиришга янгича ёндашувни талаб этади. Бутун дунёда бўлгани сингари юртимизда ҳам таълим мақсадлари соҳасида кечаётган ўзгаришлар, инсоннинг ижтимоий оламга киришини таъминлашга қаратилган глобал масалаларга мос келади. Жумладан, таълим тизимини такомиллаштириш ҳужжатларида компетентли ёндашув таълим мазмунини янгилашнинг муҳим бир концептуал ҳолати сифатида эълон қилинмоқда. Таълим тизимида компетентли ёндашувни амалга ошириш учун реал ҳаётда ва касбий амалиётда асосий компетентлигини кўллаш қобилиятига эга бўладиган ахборот технологиялари йўналиши кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш зарур. Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиниши, яъни таълим стандартлари асосида таълим ва тарбия жараёнини қайта ташкил этишга киришилган бир пайтда ўқитувчи фаолиятига, унинг педагогик маҳоратига алоҳида эътибор

берилмоқда, чунки айнан бўлажак мутахассис баркамол авлод бунёдкори саналади. Узлуксиз таълим мазунида қайд этилган тамойиллардан бири ёшлар орасидаги қобилиятли ва истеъдоддиларини аниқлаш ва уларнинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаш ҳисобланади. Таълим тизимининг барча босқичларида ёшларнинг ижодий истеъдодларини ривожлантиришга катта эътибор қаратиш лозим чунки Олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларнинг асосий вазибаларидан бири-ёшларнинг ташаббуслар инновацион ғоя ва фикрларини, истеъдод ва иқтидорини ўз вақтида кўра олиш ва уни рўёбга чиқариш учун кўмаклашишдан иборатдир. Ёшлардан ташкилотчилик қобилияти ва бошқарув маҳоратини ривожлантириш орқали юксак маънавиятли етакчи ёшларни тарбиялаш, уларни мамлакатим тараққиёти ва унинг истиқболи учун йўналтириш талаб этилади. Бугунги мутахассиснинг маънавияти, мафкуравий эътиқоди ва ўқув жараёнини яхши билши катта аҳамиятга эга. Бугун мутахассисдан янгича фикрлаш, янгича муносабатлар талаб этилаётган экан, унинг билимдонлиги қай даражада эканлигини таҳлил қилиш ўта муҳим саналади. Бунда албатта Олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни касбий компетентцияларини ривожлантириш, уларда касбий билимдонлиги ва компетентлиги алоҳида аҳамият касб этади.



References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар таёрлаш миллий дастури” // Олий талим меёрий ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар топлами Тошкент 2004 -12 б
2. Ўзбекистон Республикаси 464-1-сон 1997 йил 29-августдаги “Талим тўғрисида” ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 20-апрелдаги “Олий талим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2909 сон қарори.
4. Узвийлаштирилган Давлат талим стандарти ва ўқув дастури. Т 2010 й 34 б